*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш.

Белгилансинки, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун олинган ўз маблағлари, Фан ва технологиялар марказининг, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказинингкўмагида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек, ички электрон ҳужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналаридан, шу жумладан, маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек, Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлашни босқичма-босқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар;

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғида жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгилаб борсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг кўламда ўқитишни таъминласин;

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда электрон ўқитиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўрганиш, шунингдек, республика ахборот тармоғида лотин алфавитига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш Кенгаши компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация фаолиятига грантларнинг биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ўқув юртлари ва илмий муассасаларга, қишлоқ жойларидаги Интернетдан фойдаланувчиларга имтиёзли тарифлар бўйича хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва операторлар учун мақсадли имтиёзлари ва преференциялар бериш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини уч ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларни республика инвестиция дастурига киритсинлар.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат алоқа инспекциясини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар, А. Қодирий кўчаси, 2-уйдаги бинолар комплексини Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Орипов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 6 июнь.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига**

# ШАРҲ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Президент Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушини компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек, ахборот ва маълумотлар базаси сақланишини таъминлаш эҳтиёжи ушбу муҳим қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлди.

Дастурда телекоммуникацияларнинг янги объектларини қуриш назарда тутилган. Жумладан, 2005 йилда халқаро каналлар сонини анча кўпайтириш, уларни 100 фоиз рақамлаштириш мўлжалланган, минтақавий даражада каналлар сони 50 мингтагача кўпаяди ва рақамлаштиришнинг 72 фоизига эришилади. Ахборотни айирбошлашни автоматлаштириш 98 фоизга етади.

Агар бугунги кунда 62 олий ўқув юртидан фақат 40 таси, 531 коллеж ва лицейдан 22 таси Интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлса, 2010 йилда Интернет тармоғига кириб бориш имкониятига эга бўлган мактаблар, лицейлар ва коллежлар сони 10-15 баравар кўпаяди.

Маълумотларни узатиш тармоғи сезиларли даражада ривожланади. Жорий йилнинг охиридаёқ камида 235 та янги маълумотлар узатиш узеллари барпо этилади, 2010 йилда эса Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45 000 тани ташкил этади. Аҳоли орасида фойдаланувчилар сони 55,6 мингтадан 3321 мингтага ўсади ёки оилаларнинг деярли 60 фоизи ушбу жаҳонга машҳур ва ривожланган ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланади. Республиканинг барча аҳоли пунктлари, шунингдек, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учдан икки қисми Интернетга уланади.

Дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, мамлакатимизнинг ўзида компьютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган. Шу муносабат билан компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар, дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилади.

Қабул қилинган ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалаб берилган. Жумладан, Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутахассисликларнинг кенг доираси бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда ва ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман, жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун махсус Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Жорий йилда Кенгашга 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш; давлат бошқарувига электрон технологияларни жорий этиш; электрон тижоратни ривожлантириш бўйича дастурларни тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди, унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча функциялар юкланди. Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтсодиёти самарадорлиги ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолияти ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради.

МУСОҲАБА

# Дастур асосидаги фаолият

**Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е», деган ажойиб нақл бор. Шу боисдан ҳам 2001-2002 йилги қиш мавсуми тугаши биланоқ одатдагидек шаҳар хўжалигини 2002-2003 йил кузги-қишки мавсумга тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 16 апрелдаги қарори тасдиқланди ва унинг асосида махсус дастур ишлаб чиқилди. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун Тошкент шаҳар Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Ғаффор НОРМАТОВГА бир неча саволлар билан мурожаат этдик.**

**— Дастурда кўзда тутилган асосий вазифалар нималардан иборат?**

— Мазкур дастур шаҳарнинг барча энергетика корхонаси, коммунал-маиший муассасалари, транспорт, сув, газ таъминоти, уй-жой фонди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини бу йилги кузги-қишки мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ ишлар мажмуасини амалга оширишни назар тутади.

Дастурда жумладан 15 октябргача Чилонзор тумани ҳудудидаги 5-иссиқлик марказида (ИМ-5) ПТВМ-100 маркали қўшимча қозонни, Сергели тумани ҳудудидаги 8-ИМ да КВГМ—100 қўшимча қозонни монтаж қилиб ишга тушириш кўзда тутилган. Бундан ташқари иссиқлик марказларида 21 та қозон тубдан таъмирдан чиқарилади ва шаҳар аҳолиси ва хўжалигини бу йилги қиш мавсумида иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади.

Шаҳарда сув таъминотини меъёрига етказиш мақсадида бир қатор тадбирлар ҳам ушбу дастурдан жой эгаллаган. Жумладан, маҳалла дастури бўйича 1,4 километр сув тармоқлари ва 4,9 километр оқава сув тармоқлари, умуман шаҳар бўйича 13,4 километр сув тармоқлари ва 6,4 километр оқава суви тармоқлари янгитдан қурилиб, ишга туширилади.

Газ таъминоти бўйича 12 километр газ тармоқларини янгитдан қуриб, ишга туширилиши дастурда кўзда тутилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ўйлаймиз.

Электр таъминотида амалга оширилиши керак бўлган тадбирлардан эътиборга лойиғи, шаҳримиздаги 4 та йирик подстанциялардаги 4 та 110 киловольтли трансформаторларни тубдан таъмирдан чиқарилиши кўзда тутилганлигидир.

Уй-жой фондини қишки мавсумга тайёрлаш мақсадидаги чора-тадбирларда 488 уйнинг муҳандислик коммуникацияларини мукаммал таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

**— Бугунги кунда юқоридаги дастур асосида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Чора-тадбирларда барча ишлар шу йилнинг 1 октябридан кечиктирилмай тугатилиши кўзда тутилган ва ҳозирги кунда буни амалга ошириш бўйича керакли молия ва материал ресурсларни бутлаш, амалий ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Жумладан бугунгача А.Икромов, Бектемир, Миробод, М.Улуғбек ва Сергели туманларида шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А,Тўхтаев бошчилигида сайёр штаб йиғилишлари ўтказилди. Қолган туманларда ҳам жадвал бўйича ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу йилдан амалиётга татбиқ этилган бундай тартиб ўз самарасини беряпти.

Ҳозирги кунгача локал қозонхоналарида 4 та қозон тубдан таъмирланди. 25 километр эскирган иссиқлик қувурлари алмаштирилди, 55 километр иссиқлик қувурлари мукаммал таъмирланди, 20 километр қувурларни термик ғилофи қайта тикланди. 122 та уй-жой мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган гап бор. Шу ўринда шаҳар ҳокимининг 2001 йил 25 декабрь ойида қабул қилган 593-сонли қарорига асосан уй-жойларнинг иссиқлик бўғинларини таъмирлаш ишлари шу соҳанинг «қассоб»лари бўлмиш «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси зиммасига юклатилди.

Аммо яхши от кейин чопади деган нақлга амал қилишаётган «Тошиссиққуввати» ходимлари бу ишларни кенг миқёсда бошлаб юборишлари қийин бўляпти ва шу кунгача режада кўзда тутилган 1083 бўғин ўрнига 60 тагина бўғинни таъмирдан чиқаришди холос.

**— Энергия манбаларини тежаш, улардан унумдорлик билан фойдаланиш йўлида қандай ишлар бажарилди ва режада нималар кўзда тутилган?**

— Шаҳар ҳокимининг 2002 йил 27 мартда қабул қилган 134-сонли қарори энергия манбаларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида жуда катта аҳамиятга молик воқеа бўлди десак муболаға бўлмайди. Ушбу қарорда уй-жой фондининг муҳандислик коммуникацияларини тубдан таъмирлаш жараёнида мажбуран газ, сув ҳисоблагичларини ўрнатиш ва биронта уй-жой тубдан таъмирдан чиқарилганда ва янги қурилган уйлар ҳисоблагич асбобларисиз фойдаланишга қабул қилинмаслиги таъкидланган.

Таъкидлаш жоизки, уй-жой фондига, хусусий сектор уйларига ҳисоблагич асбоблари ўрнатиш ишлари ҳозирги кунда қизғин олиб борилмоқда ва шу кунгача кўп қаватли уй-жойларга — 13897 та совуқ сув ҳисоблагич, 10738 та газ ҳисоблаш ускунаси, хусусий секторга 40088 та совуқ сув ҳисоблагич, 38930 та газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилди.

Ушбу ишларнинг бориши шаҳар миқёсида қаттиқ назоратга олинган ва шаҳар штабининг ҳар ҳафтада ўтказиладиган кенгашларида доимий муҳокама қилинмоқда ва керакли чоралар кўрилмоқда.

**— Пойтахтимизда фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари олдида турган муаммолар ечимини топишда уларга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?**

— Шаҳар аҳолисига маълумки, ҳозирги кунда қарийб барча уй-жойлардан фойдаланиш, уларни сақлаш шаҳарда фаолият кўрсатаётган 392 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва 3 та масъулияти чекланган ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Янги ташкил этилган уй-жойлардан фойдаланиш услуби ўзига яраша янги муаммоларни ва келишмовчиликларни чиқариши табиий ҳол. Бундай муаммолар сирасига ушбу соҳани бошқарувчи раҳбар ходимлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, тарифларни мувофиқлаштириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ҳоказолар киради.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида бирлашмамиз қошида мутахассисларни жалб қилган ҳолда ширкат раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида семинар-кенгашлар, ўқув машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда, семинарларда уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари миқдори бўйича тавсиялар берилмоқда. Шу ўринда аҳоли томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, эътирозларни ҳисобга олиб, шуни маълум қилмоқчимизки, ширкатлар жамоа ташкилотлари ҳисобланади ва улар нодавлат ташкилотларидир.

«Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан ширкатлар ўзларининг харажатлар сметасини умумий мажлисда тасдиқлайдилар. Бошқача сўз билан айтганда, уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари тарифини амалдаги нарх-наволардан, уй-жойларнинг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўзлари қабул қилишади, зарурат туғилган ҳолларда кўтаришлари ҳам мумкин. Ҳозирги кунда уй-жойлардан техник жиҳатдан тўлиқ ва техник нормаларга риоя қилган ҳолда фойдаланиш учун, амалда қўлланиб келинаётган тарифларни ўртача 1,6 марта ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тадбир ширкатларнинг фаолият кўрсатишига ижобий таъсир кўрсатади ва уй-жойлардан фойдаланиш маданиятини, сифатини ва аҳолининг хотиржамлигини таъминлайди. Шунингдек, юқоридаги дастур асосида барча ишларнинг бекаму кўст бажарилиши шаҳримиз аҳолисига яратилган энг яхши қулайлик бўлади.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.**

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар



*СУРАТДА: Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳумоюн-замондош» уй-жой мулкдорлари ширкати чилангар-сантехниги Геннадий Якубов кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларида фаол иштирок этмоқда.*
*Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.*

## Сўранг, жавоб берамиз

***«Кўп қаватли уйда яшаймиз. Яқинда хонадонимизга совуқ сув учун «Тошкент-Ценнер» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ҳисоблаш ускунаси ўрнатдик. Мабодо у ишламай қолса кимга мурожаат қилишимиз керак ва уни тузатиш кимнинг ҳисобидан бажарилади?***

***Тоҳир Мирзаев, Юнусобод тумани».***

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси мутасаддиларининг жавобларига кўра юқоридаги қўшма корхонада тайёрланаётган сув ўлчагичларнинг кафолат муддати 2 йил. Агарда ана шу муддат давомида асбоб уй эгасининг айбисиз бузилиб қолса, уни ўрнатган корхона томонидан таъмирлаб берилади. Агарда хонадон эгасининг айби билан кўрсатилган муддат ичида бузилса, хонадон соҳиби ўз ҳисобидан таъмирлаши керак. Мабодо ўлчаш ускунаси ҳеч қандай сабабсиз ўз-ўзидан тўхтаб қолса, бу ҳақда дарҳол мутасадди ташкилотни огоҳлантириш керак бўлади.

ШИРКАТЛАРДА

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШЛАЯПМИЗ

**• Ғолибжон РАЙИМОВ,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги «Пойкент-Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси:**

— Ширкатимиз туман ҳокимининг қарори асосида ташкил топган бўлиб, 2001 йилнинг июлида ўз фаолиятини бошлаган. Унинг таркибига ҳозирда 740 та хонадонни ўз ичига олган 19 та кўп қаватли уйлар киради. Албатта, ташкил топганимиздан сўнг асосий эътиборни хонадон эгалари билан ҳамжиҳатликда иш юритишдан бошладик. Аввало ҳар бир уй бошқарувчиси билан келишган ҳолда йиғилишлар ўтказиб, ўз уйларимизни авайлаб-асрашда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аҳолига тушунтирдик, ширкатнинг вазифалари ва хонадон аҳлининг олдидаги юмушлар айтиб ўтилди.

Фаолиятимизни 2001-2002 йилги қишки мавсумга тайёргарликдан бошладик ва шу билан бирга уйлардан тушган кундалик буюртмаларни имкон қадар бажаришга ҳаракат қилдик. Шу боисдан бўлса керак, ўтган мавсумни қониқарли якунладик. Камчилик ва муаммоларни йўл-йўлакай ҳал этишга муваффақ бўляпмиз. Коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлигимиз натижасида тармоқда узилишлар бўлаётгани йўқ. Барча ходимларимиз ҳам ўз тажрибаларини ишга солиб, хонадонлардан тушган буюртмаларни муддатида адо этишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳар куни тозалаш ишлари олиб борилаётгани натижасида уйларимиз ён-атрофлари, ширкатимизга қарашли ҳудудлар орасталиги, ирригация шохобчаларининг тозалиги таъминланмоқда. Биноларимиз ертўлалари ҳам тозаланган. Лекин шуни ҳам таъкидлашим зарурки, 6 та 9 қаватли уйимиз мавжуд бўлиб, ширкат томонидан тўловлар ўз вақтида бажарилишига қарамай «Лифт» масъулияти чекланган жамияти ходимлари буюртмаларни совуққонлик билан бажаришмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу уйларда яшовчилар лифт хизматидан қониқишмаяпти. Албатта, биз бу ҳақли эътирозларни жамият мутасаддилари билан ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳозирги пайтда янги 2002-2003 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз. Тасарруфимиздаги уйларимизнинг барчасида иситиш тармоқларини ювиш ишлари 15 апрелда тугатилди ва профилактика-таъмирлаш юмушлари режа асосида олиб боriляпти.

Ширкатга қарашли уйлар 1979-80 йилларда қурилган бўлиб, уларда режа асосида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда 2 та 6 йўлакли уйнинг томи тўла таъмирдан чиқарилади, қолган уйларнинг томлари эса тушган буюртмалар асосида таъмирланади. Аҳолидан тўловларни ҳам вақтида ундиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада М. Умарова, З. Садабоева, Н. Камолова, О. Бульдакова, Б.Исаева ва бошқа уй бошқарувчилари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Бу ҳамкорлик хонадон эгалари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий мақсадимиз эса уйларда яшовчи хонадон аъзоларига эндиликда барча юмушларни биргаликда четдан ёрдам кутмай бажариш лозимлигини тушунтириш, шу билан бирга уларга намунали хизматни ташкил этиш ва коммунал соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга ўзимизнинг муҳим ҳиссамизни қўшишдир.

ТЎЛОВЛАР

**Пойтахтимизда фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатларида ўз тасарруфидаги кўп қаватли турар жой биноларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган бир даврда қарздорлар, яъни коммунал тўловларни ўз вақтида бажармаган хонадон эгаларининг ҳамон беэътибор юришлари айрим муаммоларга сабаб бўлиши турган гап.**

# Қарздорликдан уялинг

Негаки, тайёргарлик ишларини маромида олиб бориш, мавжуд носозликларни тугатиш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун анчагина маблағ керак бўлади. Бу маблағларнинг маълум қисми эса тўловлар ҳисобига қопланади. Шу боисдан ҳам коммунал тўловларни вақтида адо этмай юрган истеъмолчилар нафақат ўз хонадонларига, балки турар жой биносида яшовчи барча қўни-қўшниларига ҳам зиён етказишади, тайёргарлик юмушларининг кечикишига ёки умуман бажарилмай қолишига сабаб бўлишади.

Бугун ҳам ана шундай қарздорларнинг рўйхатини эълон қилар эканмиз, уларга юқоридаги гапларимиз таъсир этишига умид билдирамиз. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Сергели — 1» даҳасида «рекордчи» хонадон эгалари борлигини кўриб ёқа ушлайсиз. Улар 2000 йилдан буён қарздорликдан қутула олмай, тўловларни пайсалга солишмоқда. Ана шундайлардан бири 7-уй, 39-хонадонда яшовчи Асқаровалар хонадонидир. Уларнинг қарзлари 228.350 сўмни ташкил этади. Шунингдек 21-уй, 22-хонадонда яшовчи Чистяковнинг 212200 сўм, 26-уй, 65-хонадон эгаси Сидоровнинг 126600 сўм, 31-уй, 39-хонадондан Йўлдошевнинг 103100 сўм қарзлари бор. Лекин энг ажабланарлиси, юқоридаги кимсаларга ҳеч қандай чора-тадбирларнинг кор қилмаётганидир.

Миробод туманида ҳам йиллаб коммунал хизматлар ҳақини тўламай юрганлар анчагина топилади. Масалан, Банокатий кўчаси, 198-уй, 73-хонадон эгаси Долгова 123 минг сўмдан зиёд, Бехтерев-Сарикўл кўчаси, 6-уй, 117-хонадон соҳиби Желудков 100 минг сўмга яқин, шу кўчадаги 4-уй, 22-хонадонда яшовчи Хохлов ва Кичик Бешёғоч кўчаси, 305-уй, 22-хонадондан Клочковлар 60 минг сўмдан қарзларини тўлашмаган. Энг ачинарлиси эса уларнинг қарзлари ой сайин ортиб бормоқда.

Мирзо Улуғбек тумани «Марказ—1» мавзесидаги кўп қаватли уйларда барча қулайликлардан фойдаланган ҳолда пулини тўлашга келганда ҳақи чақаётган истеъмолчилар билан ҳам танишиб қўйиш лозим. Балки шундагина улар бироз бўлса ҳам уялишар. Мавзедаги 1-уй, 84-хонадондан Мажитова 122125 сўм, 45-хонадондан Ғуломова 68 минг сўм, 32-уй, 45-хонадондан Гриндаус 62970 сўм, 33-уй, 35-хонадондан Аъзамов 60105 сўм ҳамда 36-уй, 13-хонадондан Давидян 57480 сўм қарздор. Улар наҳотки, хизматдан барча қатори фойдаланиб, тўловини бажармай юришдан уялишмаса.

Кўрсатилаётган хизматларнинг рисоладагидек бўлишини ҳамда яшаётган уй-жойининг саранжом-саришталигини хоҳлаган, нохуш ҳолатлар содир бўлмаслигини, таъмирлаш ишларининг вақтида бажарилишини истаган ҳар бир хонадон эгаси тўловларни тўлиқ бажариши керак. Қарздорлар ҳам буни унутмаслиги шарт.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## Кексалар – маҳалла кўрки, зийнати

**Халқимизда азал-азалдан хайрли ва савобли ишларни амалга ошириш, кексага иззат-ҳурматда бўлиш яхши анъанага айланган. Айниқса жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг янада тикланишига, кекса авлодга кўрсатиладиган меҳр-оқибат, саховатнинг яна бир поғона юқори кўтарилишига сабаб бўлди.**

Чилонзор туманининг «Бўстон» маҳалласида 200 дан ортиқ пиру бадавлат, нуроний отахону онахонлар, кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари бир пиёла чойга таклиф этилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Тадбирда Чилонзор туман ҳокимининг маслаҳатчиси О. Аҳмедов — «Қариялар қадр топган юрт», Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг етакчи мутахассиси А. Азизова — «Маҳаллаларда кексалик илми ва фарзанд тарбияси», «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли Й. Абдураҳмонов — «Қариялар — маҳалла кўрки, зийнати» мавзуларида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

— Биз кексаларни иззат-ҳурмат қилганингиз, қадр кўрсатганингиз учун минг бора ташаккур, — деди маҳалланинг кекса отахони, меҳнат фахрийси Ҳикмат ҳожи ота. — Шундай дориломон кунларга етганимизга шукр. Барча эзгу ва савоб ишлар бошида турган азиз Юртбошимизнинг бошлари омон бўлсин.

— Маҳалламизда 5.500 дан ортиқ турли миллат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар, — дейди «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли Йўлдошхўжа Абдураҳмонов. — Ҳар бир ўтказилаётган тадбирларимиз, учрашув ва суҳбатларимиз кекса отахон-онахонларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва тажрибаларини ёшларимизга сингдиришга қаратилган. Токи келажагимиз ворислари бўлган ёшларимиз уйимиз файзи-баракаси, тинчлиги ва осойишталиги кўрғони бўлган бобою бувалари, ота-оналарини иззат-ҳурмат қилишни жуда ёшликдан ўргансинлар.

Мумтоз куй-қўшиқлар янграб турган даврада ўтказилган ушбу тадбир йиғилганлар қалбини фахрга, қувончга тўлдирди. Ҳомийлар томонидан совға-саломлар ҳар бир қатнашчига топширилганда, улар юртимизда тинчлик-омонлик бўлиши, қут-барака доимо аримаслиги учун дуо-фотиҳага қўл очдилар.

Нуронийлар, кексалар эъзозланган юртда эса ушбу дуолар албатта ижобат бўлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Талабалар тадқиқоти ва билими кўриги

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида фаолият кўрсатаётган «Ёшларнинг Беруний академияси» ташкилотчилигида иқтидорли талабаларнинг «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Анжуманда республикамиздаги ва хорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг 500 дан ортиқ талабаларининг фундаментал фанлар, компьютер технологиялари, электроника ва автоматика, энергетика ва электротехника, механика ва машинасозлик, кончилик ва геология, нефть-газ ва саноат экологияси, иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича ўзлари олиб бораётган илмий-амалий ишлари натижалари тақдим этилди. Уларнинг бир қисми инглиз, немис, француз тилларидадир. Илмий маърузаларнинг уч тўпламдан иборат қисқача баёнининг анжуман арафасида нашр этилиши масъулиятни кучайтириш, талабаларни маънавий рағбатлантириш билан бирга фикр алмашиш, уларга тегишлича баҳо бериш имкониятларини янада кенгайтирди.

Иқтидорли талабаларнинг илмий ишларини ўрганиш асосида илмий-амалий анжуманнинг якунловчи мажлисида 30 нафар талаба совға ва университет Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. 35 нафар талабанинг илмий маърузалари «Ёш Беруний академияси»нинг «Техника юлдузлари» журналида чоп этишга тавсия қилинди.

Ушбу анжуманга хорижий давлатлар олий ўқув юртларидан 50 дан ортиқ маъруза ва бошқа илмий чиқишларнинг қисқача баённомалари юборилганлиги, профессор-ўқитувчилар ва бошқа таниқли олимларнинг, шунингдек чет эл ваколатхоналари вакилларининг иштироки, «Ёшларнинг Беруний академияси» ҳамда илмий-амалий анжуманнинг нуфузи тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Анъаналар абадий

**Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 10-мусиқа билим мактабида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» таянч пункти ҳамда «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб «Барҳаёт анъаналар» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

Халқимиз томонидан неча йиллардан буён ардоқланиб келинаётган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз, шунинг баробарида ўзлигимизни тарғиб қилувчи ва келажак авлодларимиз учун сабоқ бўлувчи ушбу кўрик-танловда тумандаги барча маҳалла гуруҳлари иштирок этишди.

Танлов бир неча шартлар асосида ўтказилиб, дастлаб «Ўрта масжид» маҳалласи жамоаси вакиллари Қозоқ миллий урф-одатларини акс эттирувчи «Келин салом» удумини ўзига хос тарзда томошабинларга намойиш этишди.

Шунингдек, тадбирда Усмон Носир ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалласининг фаол болалари ижросида намойиш этилган саҳна кўринишлари томошабинларга манзур бўлди.

Ушбу тадбирда ҳар бир маҳалла фольклор ижрочилари ижро этган куй ва қўшиқлар, айниқса онажонлар томонидан куйланган алла ижроси дилларни хушнуд этди.

Танлов сўнгида ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлади. Унга кўра Аҳмад Яссавий маҳалласидан она образининг энг яхши ижрочиси деб Мунаввар Эшмуҳамедова, «Бинокор» маҳалласидан энг кекса ижро соҳибаси деб Раҳбархон Устаматова, «Янгиобод» маҳалласидан энг яхши удумлар ижрочиси деб Зуҳра Обидова, энг яхши алла ва ёр-ёр ижрочиси деб Турсуной Мирзаметова ҳамда энг яхши фольклор ижрочилари Усмон Носир маҳалласи жамоаси вакиллари деб топилди. Ғолибларга туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар ўз совғаларини тақдим этишиб, «Барҳаёт анъаналар» кўрик танловининг шаҳар босқичида уларга омадлар тилаб қолишди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

ТАЪЛИМ

## Адиб билан жонли мулоқот

**Маънавий-маърифий меросни ўрганиш ёшлар қалбида ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини шакллантирувчи асосий омил ҳисобланади. Ёшлар тафаккурини бойитишда бадиий айниқса тарихий асарларни мутолаа қилишнинг аҳамияти каттадир. Шундай асарлар муаллифлари билан юзма-юз учрашиб, фикр алмашишнинг гашти ўзгачадир.**

Яқинда факультетимиз талабалари ёзувчи ва шоир, таржимон, «Сарбадорлар», «Соҳибқирон» тарихий асарлар муаллифи сифатида кенг китобхонлар оммасига танилган адиб Муҳаммад Али билан учрашишди. Айниқса, «Соҳибқирон» романининг яратилиш тарихи, унда акс эттирилган воқеалар тафсилотлари, соҳибқироннинг болалиги, тахтга ўтириши, буюк давлат барпо этиши, эл-юрт равнақи йўлидаги сермаҳсул фаолиятига доир маъруза талаба-ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир талабалар томонидан турли савол-жавоблар тарзида ўтди.

Жаҳон халқларининг бобомиз Амир Темурга бўлган ҳурмати, бу буюк шахс ҳақидаги хорижда яратилган илмий асарлар хусусидаги маълумотлар талабалар онгида соҳибқироннинг инсоний фазилатлари тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилди дейишимизга асос бор. Соҳибқироннинг ёшларга, илм ва санъат аҳлига, айниқса, хотин-қизларга муносабатининг адибимиз томонидан ҳаётий мисоллар билан ёритиб берилиши учрашув қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, ул зот ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ёзувчи ва талабалар суҳбатида марказий ўринни эгаллади.

**Фарҳод БАБАШЕВ,**
**Тошкент молия институтининг кредит-иқтисод факультети декани ўринбосари.**

## Очиқ эшиклар куни

**Ўзбекистон миллий университетининг тарих факультетида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирокида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.**

Уч қисмдан иборат тайёрланган «Очиқ эшиклар куни»да аввало тарих факультети ўқитувчилари ҳам иштирок этишди. Келажагимиз ворислари — ёшларнинг келгуси фаолиятида имтиҳон вазифасини ўтаган ушбу тадбирни очиқ деб эълон қилар экан, тарих факультети декани Замира Эшонхўжаева йиғилганларга факультет имкониятлари, ўқишга қабул қилиш шароитлари ва ўқув жараёни ҳақида маълумот берди.

Тадбирнинг иштирокчилари бўлмиш ўқувчиларнинг университетда ташкил этилган тарих музейи фаолияти билан таништирилиши ёшлар учун мактаб вазифасини ўташи табиий. Чунки у ердаги экспонатлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг учинчи — тарих факультети талабалари билан ўқувчилар ўртасида кечган мулоқот қисми янада қизиқарли ўтди. Сабаби ўқувчилар талабалар ҳаёти ва уларга яратилаётган шароитлар билан яқиндан танишдилар, ўзаро суҳбат қурдилар. Хуллас ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» ёшларнинг тарих фанига бўлган қизиқишларини янада ортишига имкон яратади.

**Камола ҲИКМАТОВА**

## Кутубхона очилди

**Компьютер саводхонлигини тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар Ўзбекистон ахборот технологиялари университети учун ҳам яхши самаралар берди. Бу изланишлар туфайли таълим жараёнларини тўла компьютерлаш имкони туғилди.**

Бугунги кунда олий ўқув юртидаги ўқув жараёнлари деярли компьютерлар ва интернет орқали амалга оширилмоқда. Яратилаётган мустаҳкам ўқув-техник негиз илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ўқув марказини очишга олиб келди.

Эндиликда талабалар ва ўқитувчиларнинг ахборот тармоқларидан фойдаланишлари учун катта қулайликлар юзага келди.

Ҳомий ташкилотлар ёрдами билан университет қўшимча яна 40 та компьютерга эга бўлди. Бу «ақл»ли машиналар негизида электрон кутубхона очилди. Унинг каталогида ҳозир 6 мингга яқин ёзув бор. Бу ёзув жамғармаси электрон ҳажмдаги адабиётлар билан тўлдириб борилмоқда.

Электрон кутубхона чет эл ўқув адабиётлари билан ҳам таъминланди.

**Акбар АЛИЕВ**

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

## Ибратли умр



**Кўзларидан нур, юзларидан табассум ва меҳр ёғилиб турган Ҳожиакбар Жалолов 40 йилдан зиёд умрини шаҳар транспортини ривожлантиришга ҳисса қўшган фидойи инсондир.**

Трамвай-троллейбус бошқармаси ҳаракат хизматида хавфсизлик ҳаракати бўлими муҳандиси, 2-ҳудуд бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилган, трамвай ва троллейбус ҳайдовчилиги касбига меҳр қўйганларга чин устозлик қилган бу нуроний отахон ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Талабчан ва танлаган касбига фидойи инсон Ҳожиакбар Жалолов электр транспортчиларини доимо виждонли ва ҳалол бўлишга даъват этди. Трамвай ва троллейбус дарғалари Комил Турсунов, Николай Подгорнов, Георгий Иваненко, Василий Головченколар билан бир сафда аҳолига юксак хизмат кўрсатиш борасида ҳамиша ижодий изланди.

—Маълумки, бундан 40 йил муқаддам учта вагондан таркиб топган шатакли трамвайлар йўловчилар манзилини яқин қиларди. Уларнинг ўриндиқлари ёғочдан ишланган бўлиб, салонлари ҳам кичик эди. Мустақиллик йилларида эса кенг ва равон кўчаларимизда «Татра» вагонлари ва «Шкода» троллейбусларини кўриб ҳайдашга ҳавас қиласан, — дейди Ҳожиакбар ота биз билан суҳбат чоғида.

Шоиртабиат Ҳожиакбар Жалолов пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туман, «Ачаобод» маҳалласининг фаоли сифатида маҳалла ёшларини маънавий тарбиялашда, тўй ва маросимларни камтарона ўтказиш, мискин оилаларга моддий ёрдам бериш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, қарияларга хос фазилатлари билан барчага ибрат бўлмоқда.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ**
**СУРАТДА: Ҳожиакбар ота ЖАЛОЛОВ.**

## «Дилором» операсининг янги талқини

**«Дилором» операси Мухтор Ашрафийнинг ижодий етуклик даврида 1958 йили яратилган. Алишер Навоийнинг «Етти сайёра» достони мазмуни асосида яратилган мазкур опера Республикамиз мусиқа ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди. Асар яратилганига 40 йилдан ошиқроқ муддат ўтишига қарамасдан партитуранинг етук маҳоратлилиги, мусиқа тилининг ёркин миллийлиги билан опера шинавандаларини ўзига мафтун этиб келмоқда.**

Ушбу саҳна асари ўзбек композитори томонидан мустақил равишда яратилган биринчи опера эканлиги билан ҳам таҳсинга лойиқдир. «Дилором» операси Алишер Навоий номидаги Академик Катта театрдан сўнг Самарқанд опера ва балет театрида ҳам саҳналаштирилди. Европа ва бир қатор чет эл театрларининг саҳналарида ҳам намойиш этилиб, ўзбек опера санъати усталарининг чиқишларини томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Асардаги бош қаҳрамонлар — қўшиқчи қиз Дилором ва рассом Монийнинг соф севгиси, ўз бахти йўлидаги курашлари, кечинмалари ариялар, дуэтлар орқали таъсирчан ифода этилади. Шоҳ Баҳром ва маккор вазир Ардашер билан кечадиган зиддиятли кўринишлар, саҳналар опера жанрига, мусиқали драматургиянинг талабларига тўлақонли жавоб беради ва томошабинни бефарқ қолдирмайди. Бастакор асарда ўзбек мумтоз куйларидан, мақом мусиқаларидан, усулларидан ва шунингдек Шарқ халқлари, жумладан Араб, Эрон, Ҳинд халқ оҳангларидан ҳам моҳирлик билан фойдаланади. Бу эса опера асарининг янада жозибали чиқишида муҳим рол ўйнайди.

Дилором ва Моний образларини биринчи бўлиб вокаль санъатининг моҳир усталари, халқимизнинг ардоқли санъаткорлари Ўзбекистон халқ артистлари Саодат Қобулова ва Саттор Ярашевлар яратишган. Улар овоз имкониятларининг кенглиги, нафислиги ва юқори савиядаги ижрочилик маҳоратлари билан тингловчилар қалбини забт эта олдилар.

«Дилором» операси 1972 ва 1992 йилларда бироз ўзгаришлар билан янги таҳрирда намойиш этилди. Ўтган давр мобайнида спектакль декорацияларининг эскирганлиги эндиликда ушбу асарни тубдан янгилашни ва бугунги талабчан томошабин дидига мос равишда янгидан саҳналаштиришни тақозо этарди. Устоз санъаткор, бастакор Мухтор Ашрафий таваллудининг 90 йиллиги арафасида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг ижодий жамоаси «Дилором» операсининг янги талқини устида иш бошлади. Асарнинг ғоявий, бадиий ва саҳнавий ечими қайтадан таҳрир қилинди.

«Дилором» операсининг премьераси шу йилнинг 12 июнида бўлиб ўтади.

**Дилором ИКРОМОВА**

## ОИЛАЛАР ТОТУВЛИГИ СЎНМАСИН

***Давлатимиз томонидан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқан етук интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган тадбирларни кенг кўламда амалга оширишда жойлардаги ФХДЁ бўлимларининг ҳам хизматлари бениҳоя катта бўлмоқда. Биз ана шундай соғлом фикрли, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялашда ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган Юнусобод туман ФХДЁ бўлими фаолияти билан қисқача танишдик.***

Ушбу даргоҳга қадам қўяр эканмиз, аввало бу ердаги осойишталик, саранжом-саришталикни, ҳар бир зарур бўлган қўлланма ва кўргазмалар ўз ўрнида жорий этилгани-ю, ходимларнинг ишига бўлган эътиборини кўриб қувондик. Ҳа, албатта бугунги кунда бу каби бахт уйлари фақатгина ёш келин-куёвларни рўйхатга олиш ёки яна қандайдир хизматлар кўрсатиш эмас, балки уларга ҳар томонлама амалий ёрдам берадиган муқаддас бир гўшага айланиб бормоқда. Чунончи ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, касбга йўналтириш, соғлиғини тиклашда ҳам уларга мадад бўлиб келмоқда.

— Истиқлолга эришган Ватанимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик ва тотувликка эришиш учун биринчи галда фуқароларимиз давлатимиз раҳбарияти томонидан олға сурилаётган жараёнларни тўғри англаб етмоғи зарур. Бунинг учун эса биз уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб, керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб бормоғимиз шарт, — деди туман ФХДЁ бўлими мудираси Ўктамхон Қодирова. — Бу борада бўлимимиз томонидан аниқ мақсадларга йўналтирилган иш дастури ишлаб чиқилган. Хусусан, маҳаллаларда, мактаб, олий ўқув юртларида, ҳокимият, суд, прокуратура, ички ишлар вакиллари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашув ва семинарлар ўтказиб борилади. Жумладан, қариялар ҳуқуқи ва манфаатлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қуришдаги ролини оширишга қаратилган қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатларниг кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида туманимиздаги «Бодомзор», «Турк қўрғон», «Мустақиллик», «Қуш чопар», «Уста ширин» маҳаллаларида, мактаб ва олий ўқув юртларида кўпгина учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз.

Оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, балки бу бутун жамият ҳаётига алоқадор масала бўлганлиги боис, ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, уларнинг саломатлигини, бир-бирига тиббий ҳамда жисмоний жиҳатидан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Ана шу каби муҳим жиҳатларни биз ҳар бир ишимизда эътиборга оламиз ва бундан кейин ҳам шу мақсадда фаолиятимизни кенгайтириб бораверамиз.

**Очил ХАЗРАТОВ**



**СУРАТДА: Юнусобод туман ФХДЁ бўлими ходималари Оила кодекси шарҳлари билан яқиндан танишмоқда.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Соғлиқ олтиндан қиммат.

• Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ.

• Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас. Бир донишманд айтади:

— Ҳар ким соғ-саломатлиги, кучи ва қудрати бор вақтида яхшилик қилмаса, қариб куч-қувватдан кетгандан кейин қаттиқчиликка гирифтор бўлади. Мушкатторнинг мақтагани билан эмас, ўзининг хушбўй ҳиди билан мушкдир. Сабрни ўзига шиор қилиб олиб, ишга киришган киши тез вақтда шодликка етишади.

ҲИКОЯТ. Анушервон мажлисида донишмандлардан румли, ҳиндли ва Эрон донишманди Бузургмеҳр ҳозир эдилар. Суҳбатлашиб ўтирар эканлар сўз «Ҳамма нарсадан оғирроқ, қаттиқроқ нарса нима?» деган саволга етиб келди. Румли донишмандлар:

— Қарилик, танглик, йўқчилик, — деди. Ҳиндли:

— Касаллик, ғам-андуҳ, — деди. Бузургмеҳр:

— Ҳамма нарсадан оғирроқ ва қаттиқроқ нарса ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиш, — деди. Мажлисдагиларнинг ҳаммаси Бузургмеҳрнинг фикрига қўшилдилар.

БАЙТ:

**Ҳозиқ табиби хушўй тан ранжига даводир,**
**Омию, тунд бадхўй эл жонига балодир.**

• Олимлардан Али Ирфон айтади:

— Адолат — фазилатлар фазилатидир. Одил бўлмай, золим бўлган киши ҳеч вақт комил, фозил ва мўътабар бўлмайди. Адолатсизлик — саодатнинг заволи, йўқчилик даъватчисидир. Агар инсофли, адолатли бўлсак халқ қошида катта обрўга эга бўламиз. Ҳамма бизга ишонади, сўзимиз, ишимиз халқ қошида мақбул ва мағруб бўлади. Шунинг учун ҳеч кимга зулм, ҳақсизлик қилмасдан инсоф ва адолатни ўзимизга раҳбар қилиб олишимиз лозимдир.

БАЙТ:

**Истайсанки етмагай сенга бало,**
**Бермагил ҳеч кимга озору жафо.**

• Донолик беҳаддир, бу йўлдан қандай илгарилаганинг сари у тобора заифлашиб бораверади.

• Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди, учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

ҲИКОЯТ. Луқмон Ҳаким саҳродан кетиб борарди. Узоқдан бир киши кўринди. Яқин келгач Луқмондан сўради:

— Неча соатда шаҳарга етаман?

Луқмон деди:

— Йўлингдан қолма.

У киши сўради:

— Нима, сўроғимни эшитмадингми, неча соатда шаҳарга етаман?

Луқмон яна деди:

— Йўлингдан қолма.

У киши ўзича ўйлади, бу одам девона бўлса керак. Бошқа сўз айтмай йўлга тушди. Бир неча қадам узоқлашгач Луқмони Ҳаким деди:

— Икки соатда етасан.

У киши қайтиб келди ва сўради:

— Нимага аввал жавоб бермадинг?

— Чунки мен сенинг юришингни кўрмаган эдим: секин юрасанми, тез юрасанми? Энди кўриб ҳисоблаб чиқдим ва икки соатда етишингни билдим.

БАЙТ:

**Ҳимматингни тут баланд эл олдида,**
**Ҳимматингча мартабанг бўлгай баланд.**

• Вафоли ва муҳаббатида ихлосли дўст топиш — энг оғир ишдир, чунки одамларнинг ташқи ҳоллари ички сирларини яширади.

Дўст танлаш учун энг муҳим маслаҳатлар:

— биров билан дўст бўлишни истасангиз, унинг дўстларини текширинг. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб-тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг ҳам феъл-атворини англайсиз, чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади;

— унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганинг;

— у билан муомала қилувчилардан унинг муомаласини сўранг, ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз;

— унинг кўринишига, ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин;

—з бошқаларни ғийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг;

— ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.

• Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ маъшуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

• Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

• Дўстлараро яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

• Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушхуйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

• Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

БАЙТ:

**Икки лаб бир бўлса, ҳаттоки нафас,**
**Улар орасидан осон ўтолмас.**
**Кўздек бир-бирингга бўлма тескари,**
**Лаблардек иттифоқ бўлгил аскари.**

• Шайх Саъдий айтади:

— Танини эркалатиб семиртириб юборган танпарвар кишидан ҳунарли киши чиқмайди, ҳунарсиз киши улуғликка муносиб эмасдир.

— Мард кишилар саъй-ҳаракат, меҳнат қилиб мақсадларига эришадилар. Эй ҳунарсиз киши, сен фақат нафсингни парвариш қилиш билангина қаерга етишмоқ истайсан?

— Энг аввал либосга белги, нишон қўйдирган ва бармоққа узук таққан киши Жамшид подшоҳ эди. Ундан:

— Нима учун ҳамма оройиш, зебу зийнатни чап қўлингга бердинг? Ҳолбуки, фазилат ўнг қўлдадир, — деб сўрадилар. Жамшид уларга:

— Ўнг тарафнинг ўнглик зийнати ўзига кифоя қилади, — деб жавоб берди.

— Бир улуғ одамдан:

— Ўнг қўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап қўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

— Билмайсизларми, илм аҳли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

**АСЛИДА БЎЛГАН ВОҚЕА**

# ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

## (Ярим чин, ярим ҳазил)

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Фарҳод уқалашини қўймас, амакиси эса илтижо қилишда давом этаётган эди.

Шу пайт Мурод қичқириб юборса бўладими, хонадагилар бир сапчиб тушишди. Фарҳоднинг ҳам тимқора кўзлари чақнаб, косасидан чиқаёзди.

Ҳамма баравариа: «Нима бўлди?» деб юборди.

«Вой-вой»ларди Мурод оёқларини ушлаганича:

— Жон киряпти, ишлаяпти, ҳа ростданам ишлаяпти,— дер, кўзларидан дув-дув ёш тўкилганича Фарҳодни бағрига қаттиқ босиб олганди. Хонадаги бошқа касаллар бундай мўъжизанинг юз берганига ишониб-ишонқирамай бир-бирларига тикилганича карахт ҳолатда туришарди.

Шу чоғ Фарҳод амакисининг қучоғидан отилиб, даҳлизга югуриб чиқди-да, бутун касалхонани бошига кўтариб, бор овози билан бақира кетди! Кимдир шу пайт: «Исо пайғамбар ўликка жон киритгандай бўлибди-да!» деб юборди.

— Суюнчи, суюнчи беринглар, ҳой одамлар, суюнчи беринглар!..

Орқасидан кўзларида бир олам севинч ёшлари билан ҳассасиз чиқиб борган амакисининг: «Яхши, етар, бўлди, ҳадеб бақираверма, ичкарига кир!» дейишига ҳам эътибор бермай ҳамон бир сўзни такрорларди!

— Суюнчи, суюнчи беринг!..

Кўз очиб юмгунча, даҳлизни одамлар босиб кетган. Ҳеч нарсани англолмай донг қотиб туришарди улар!

### 14. «Ўртамизда қолсин бу гап»

Фарҳоднинг «суюнчи»лаб бақириши оламни тутган эди. Шу хурсандчилик устидан Васила ҳам чиқиб қолди. Мурод ҳассасиз, ўзида йўқ мамнун. Уни кўрган Василанинг ҳам оёқ-қўллари титраб кетди, «Табриклайман!» — дерди холос... Айни пайти, бугун виждон азобидан қутуладиган кун. Неча йиллаб қалби тўрида «сир» тутиб келган гапини бугун айтмаса, қачон айтади?!. Албатта, айтади, етар энди шунча йиллар гуноҳларга ботиб келгани! Бу гуноҳларни энди иккиси бўлашиб олиши керак. Акс ҳолда дунёдан кўзи очиқ кетади. Секин имлаб, Васила Муродни четга тортди:

— Гап бор, — деди, — жуда муҳим гап, ҳеч ким эшитмасин.

— Қандай гап экан у? — ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон бўлиб сўради Мурод.

— Ҳозир эшитасиз, ҳамма-ҳаммасини ипидан-игнасигача билиб оласиз. Фақат озгина сабр қилиб, тоқат билан эшитинг, илтимос, гапларимни фақат бўлмай туринг, онт ичинг ҳеч кимга айтмайман, деб, — деди Васила ҳаяжонларини босиб, ўзини қўлга олгач, сўнг сўзида давом этди. — Эсингиздами ҳамшира қиз билан учрашиб юрганингиз?

— Алмисоқдан қолган гапларни бугун қўзғашинг шартми? — жаҳли чиқди Муроднинг.

— Жуда шарт-да! — деди Васила унинг гапини чўрт бўлиб. — Бугун айнан айтадиган кун. Қачонлардир барибир айтардим, бугун айтиб, қутулиб қўйганим маъқул.

— Бугундан қолса осмон узилиб ерга тушадими?.. — Чарос кўзлари «пир-пир» уча бошлади.

— Бу гап сиз билан Фарҳодга тегишли, агар билсангиз, — деди Васила очиғига кўчиб.

— Фарҳоднинг бу гапларга нима алоқаси бор?

— Бўлмаса эшитинг, — дея ҳикоясини бошлади Васила. — Ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман. Ҳамшира қиз ўшанда сиздан фарзанд кутаётган эди, мен ҳам ўшанда Гулига оғир оёқ эдим. Менинг олдимга кўп маротаба келиб-кетган эди у. Қон йиғлаб келиб, қон йиғлаб кетарди. Олдириб ташланг, деганимга кўнмади. Туғиб олай, кейин болам ўз отасини барибир топиб олади, деганди Фарҳоднинг ҳозирги онаси, ҳозирги онаси, деган сўзимга алоҳида эътибор беринг, онаси ҳам, яъни акангизнинг хотини ҳам ўшанда ой-куни яқин эди. Эсингизда бўлса, биз уч ҳомиладор аёл олдинма-кетин туғруқхонага, тақдирнинг тақозоси билан битта хонага тушдик. Улар ўғил кўришди, мен эса қиз...

Энди буёғини эшитинг. Ўшанда янгангиз — акангизнинг хотини қаттиқ уйқуда боласини босиб ўлдириб қўйганди. Ярим кечада чўчиб уйғониб кетдим. Қулоғимга чақалоқнинг инграгани эшитилди-ю, жим бўлди. Туриб қарасам, чақалоқ ўлиб ётибди. Шартта олдим-да, ҳамширанинг ўғли билан алмаштириб қўйдим. Улар пишиллаб ухлашарди, ҳеч нимани сезишмади. Эрта билан уйқудан кўзини очган ҳамшира палатани бошига кўтариб, дод-фарёд қилиб қолди-ку! «Болам ўлиб қолибди, ўғилчамдан ажралиб қолдим, вой-дод», — дея ўзини учинчи қаватдан ташлаб юборса бўладими. Ўзини пастга ташлашдан олдин бир парча қоғозга нималарнидир тез-тез ёзаётганига кўзим тушган эди. Ёстиғини шундай кўтарсам иккига букланган ҳалиги қоғоз чиқиб қолди. Оласолиб, халатимнинг чўнтагига беркитдим. Мана, ўша қоғоз, ўқинг. Дастхати сизга таниш бўлса керак ҳар ҳолда!..

Васила хатни Муродга узатди. У хатга кўз югуртирар экан, рангида-ранг қолмаган, докадек оқариб кетган, «қалт-қалт» қалтирарди. Кўзларини қайта-қайта уқалаб, қоғоздан нигоҳини узмасди: «Алвидо Мурод ака! Бахтли бўлинг!».

Васила яна тилга кирди:

— Агар ўшанда бу хат терговчининг қўлига тушганда борми, биласизми, оқибати нима билан тугарди, умрингиз қамоқда ўтарди, — деди у оғир хўрсиниб. —Ўлганнинг жони кетди, гувоҳлар йўқ, ҳамма айб — боласининг ўлими билан боғлиқ, жудоликка чидай олмай ўзини-ўзи нобуд қилди, деб «дело»ни ёпишди. Босди-босди бўлди-кетди. Қорлар ёғди, излар босилди.

— Ё, тавба, ё тавба? — дерди Мурод ёқасини ушлаб.

— Энди тушунгандирсиз Фарҳод сизга ким бўлишини?

— Амакиваччам, акамнинг ўғли!

— Ҳалиям сизга етиб бормабдиёв, тентаквой! Фарҳод сизнинг ўғлингиз, ҳамширадан бўлган ўғлингиз! — деди Васила эшитилар-эшитилмас, яна биров эшитиб қолмасин, деб атрофга олазарак бўлиб назар ташлаб қўйди.

— Ўғлим!

— Ҳа, ўғлингиз?!. Бу гаплардан акам-янгамнинг хабари борми?

— Боя айтдим-ку, иккимиз ўртамизда қоладиган гап бу деб.

— Ҳа, тушундим, тушундим, — деди у нималар бўлаётганидан ўзини йўқотиб.

— Сизни худо жазолаб қўйган, деганимда шу гапларни ҳам назарда тутган эдим, — деди-да, Василанинг овози ичига тушиб кетди, бироздан кейин ўзига келиб, сўзида давом этди. — Аслида бу қилмишларим учун Оллоҳнинг қаҳрига мен ҳам учрашим керак эди. Иккимизни, бу гуноҳларимиз учун битта қопга солиб, сувга оқизишса ҳам оз, тошбўрон қилишса ҳам оз... Сир-сирлигича қолсин! Эшитган қулоққа яхшимас. Бу ўртамиздаги гапни ҳеч ким билмай қўя қолсин!..

* * *

Деворнинг ҳам қулоғи бор, деб бежиз айтишмаган экан. Орадан кўп ўтмай бу гаплар Фарҳоднинг қулоғига етиб борди. Унга бу «сир»ни ким очди, фақат ўзи билади. Новдадек ёш нав-ниҳол қалбини ларзага келтирган бу совуқ хабарни эшитган Фарҳод яшин ургандек унсиз турарди. Номус кучлилик қилди. Бу ҳақда ўз отаси — Муродга, уни чақалоқлигидан катта қилиб ўстирган ота-онасига ва бошқа бирор кимсага юрагини очмади. Фарҳод бир дақиқа хаёллар гирдобига шўнғиди. «Эҳтимол, «амакиси» машинасининг орқасига ўтказиб, унинг онасини ҳам анави жононлар сингари катайса қилдириб, бошини айлантириб, йўлдан ургандир?! Унинг тузоғига тушган онаси Фарҳодга иккиқат бўлиб... кейин туққандир?!» маҳзун хаёллар, хаёллар!.. Ичида туғён урган дод-фарёдларини бир бўлак оқ қоғозга тўкиб солди-да, хат жилдга жойлаб, устига бошқа исм-шарифни ёзиб, газеталардан бирига жўнатиб юборди:

«Тақдирнинг тўқмоғи бошимга урилди, — деб бошланарди ҳалиги хат. — Жуда ҳам хафа бўлиб кетдим. Уйнаб-кулиш ўрнига қайғурмоқдаман. Ҳали тушуниш керак бўлмаган нарсаларга жуда эрта тушуниб етдим, кўзим очилди. Айтингчи, ким айбдор? Мен кимни айблай? Ўлган онамними, ҳатто унинг исми-жисмини ҳам билмайман. Ёки пуштипаноҳим — отамними? Нима бўлса бўлсин, тақдирга тан бердим. Лекин муҳтарам амакижонлар, ширинзабон аёллар, ҳеч қачон бундай ишларга қўл урманг, ундан ҳазар қилинг, ундан қўрқинг!

**Миршароф МУҲСИМОВ**

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланиши муносабати билан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Одатда бундай йиғилишлар илгарилари ҳам ўтказилар ва ёзги болалар дам олиш оромгоҳларидаги тайёргарлик ишлари муҳокама этилар эди. Аммо бу галги йиғилиш одатдагидан бошқачароқ тарзда ўтди. Аввало ёзги таътил даврида қанча бола оромгоҳларда дам олиши масаласи муҳокама этилди ва ўз-ўзидан бошқа болалар нима билан машғул бўлишлари муаммоси ўртага қўйилди. Бинобарин, оромгоҳларда дам олувчи ўқувчилар ўз соғлиқ-саломатликларини тиклашар, қолган болалар нима билан банд бўлишлари керак? Тўғри, айрим мактабларда бир ойлик кундузги оромгоҳлар ташкил этилиши режалаштирилган. Яна ўша савол туғилади: «Қолган ўқувчилар нима қилсин?»

# Ибратли тажрибаларни қўллайлик

Юқоридаги саволлар шу йиғилашда қайта-қайта муҳокама этилиб туман ҳокимликлари ва яна бир қанча мутасадди ташкилот ва муассасалар олдига мавзуни чуқурроқ ўрганиб, керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди.

Шу куни туманимиздаги «Ўрикзор» маҳалласи оқсоқоли Раҳим ака Нодиров «Ишдан кейин маҳалламизга келсангиз, фаоллар, 312-мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар билан йиғилишимиз бор эди. Шифокор сифатида ҳозирги эпидемиологик муаммолар ва юқумли хасталиклар профилактикаси тўғрисида сўзлаб берардингиз», дея илтимос қилди. Мен, албатта, йиғилишда қатнашдим. Аммо маҳаллада қилинган ишларнинг муҳокамаси билан танишиб, уларнинг натижаларини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Мен муаммонинг ечими бошқа маҳаллаларда ҳам айнан шу тарзда амалга оширилишини хоҳлардим. Чунки «Ўрикзор» маҳалласида болалар учун махсус сузиш ҳавзаси қурилди. Тадбиркорлик йўли билан соғломлаштириш мажмуаси ташкил этилиб, уни жиҳозлаш ишлари якунланаётган экан, туман ҳокимлигининг ёрдами билан махсус кутубхона ташкил этилибди. Спорт-соғломлаштириш мажмуаси ва сузиш ҳавзаси ўқувчи болалар кириши учун имтиёзли қилиб қўйилгани таҳсинга сазовордир. Бундан ташқари маҳалла оқсоқоли тумандаги Марказий поликлиника бош шифокорини ҳам йиғилишга таклиф этиб, ёз ойларида айрим саломатлигини тиклаши лозим бўлган маҳалла болаларини кундузги шифохона ташкил қилиб, соғломлаштириш масаласида ёрдам беришларини сўраб таклиф киритди. Мактабнинг очиқ спорт майдончасини жиҳозланган ҳолда қолдириб ёз мавсумида маҳалла болалари спорт ўйинлари билан шуғулланишларига имкон яратишни ва дам олишга кетмайдиган ўқитувчиларни жалб этган ҳолда айрим тўгараклар ташкил этилишини мактаб маъмуриятидан сўради. Шу билан бирга туман ички ишлар бўлими мутасаддиларидан тарбияси оғир болаларга нисбатан участка нозирини бириктириб қўйишни ва улар билан ишлашни таклиф этди. Шунингдек, ота-оналарга ўз болаларининг тарбияси ва таътил даврида қаерда бўлишлари борасида хабардор бўлишлари тўғрисида ҳам тушунча берилди.

Менимча бу каби ибратли ва оммалаштиришга лойиқ ишларни шаҳримиздаги барча маҳаллаларда амалга ошириш лозим. Тўғри, биргина маҳалла оқсоқолининг уларни бажариши қийин бўлади, бу борада барчамиз баҳоли қудрат ёрдам беришимиз керак. Зеро, ўз фарзандимиз келажаги ва маҳалламиз обрўси учун жон куйдириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**А. САРИМСОҚОВ,**
**Акмал Икромов туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори.**

**05-0: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ**

## Сув тўхтатилди

Қутқарув хизматининг навбатчилик қисмига қўнғироқ бўлиб, унда Мирзо Улуғбек туманининг Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 54-уй, 86-хонадондан пастки қаватларга сув оқиб тушаётганлиги ҳақида хабар қилинди. Уй эгаси Е.Архипов ваннанинг сувини беркитишни унутиб ўзи қаёққадир кетган эди. Қутқарувчилар участка вакили Д.Туропов билан бирга уй эшигини очиб, жўмракни беркитдилар.

## Ўғил топилди

Қушбеги даҳаси, 16-уй, 54-хонадонда истиқомат қилувчи А.Содиқов 4,5-5 ёшли ўғли Абдулазиз велосипедини миниб уйдан чиқиб кетганича қайтмаганлигини айтиб, ёрдам сўраб қутқарув хизматига қўнғироқ қилди. Қутқарувчилар тезда воқеа содир бўлган ерга етиб келиб, болани излашга тушдилар. Орадан кўп вақт ўтмасдан бола топилди. Уни Марҳамат Тўраева исмли аёл адашганлигини билиб, уйи томон бошлаб келаётган экан.

## Ўз вақтида ёрдам кўрсатилди

Юнусобод тумани, Обид Зокиров кўчаси, 6-уй, 37-хонадонда яшовчи Зоҳиджон Мўминов уйда ёлғиз пайтида ваннага тушди-ю, лекин анча пайтгача чиқолмай қолди. Чунки ваннанинг эшиги қулфланиб қолган эди. Бундан хабар топган қўшнилар «0-50»га қўнғироқ қилдилар. Қутқарувчилар ёрдамида Зоҳиджон «банд»дан озод қилинди.

## Эшик очилди

Мирзо Улуғбек тумани 25-уй, 16-хонадонда яшовчи Д.Григорьева эшик бекилиб қолиб, уй ичида 2,5 ёшли ўғли қолиб кетганлиги ҳақида қўнғироқ қилиб, қутқарув хизмати ходимларидан ёрдам сўради.

Нурилла Махмудов бошлиқ қутқарувчилар гуруҳи воқеа жойига етиб келиб, эшикни махсус асбоб ёрдамида очдилар. Уй эгаси қутқарувчиларга миннатдорчилик билдирди.

## Ҳеч ким талофат кўрмади

Устма-уст ёққан ёмғир туфайли, йўл сирпанчиқ бўлиб қолганлиги оқибатида Шайхонтоҳур туманидаги Ғ.Ғулом номли кўчада 3-автокорхонага қарашли давлат рақам белгиси АҚ 52410 бўлган ЛАЗ 69876 русумли автобус йўл чеккасига ағдарилди. Ҳайдовчи Ортиқ Эшимжоновнинг чаққонлиги туфайли салон ичидаги йўловчилар талофат кўрмади. Қутқарувчилар тезда воқеа жойига етиб келиб одамларни машина ичидан олиб чиқдилар.

**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот котиби.**


Сергели туманида жойлашган икки хонали квартира сотилади. Тел: 51-13-26.

Сергели туманида жойлашган беш хонали квартира сотилади. Тел: 57-15-30.


«Тошкент оқшоми» газетаси ижодий жамоаси газетанинг фаол муаллифи, таниқли адабиётшунос олим, ёзувчи Аҳмад Алиевга умр йўлдоши
**МУНИРА** аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ**



# Ғолиблар муносиб тақдирланди

**Шаҳримиздаги МҲСК мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида у-шу бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон у-шу (кунфу) миллий федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда 200 га яқин ёш, умидли спортчилар ғалаба учун кураш олиб борди. Шуниси эътиборга лойиқки, чемпионатнинг энг ёш иштирокчилари 6 ёшда эди.**

Ёш спортчилар у-шунинг асосий йўналишлари бўлмиш сэн-шу ва талулу бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Финал беллашувларидан сўнг 10-11 ёшли болалар ўртасида Саидхўжа Ғаниев, 14-15 ёшлилар орасида Мираҳмад Юсупов, 18 ва ундан юқори ёшдагилар баҳсида Даниил Сафинлар Ўзбекистон чемпионлари бўлишди. Энг ёш болалар баҳсида эса Дмитрий Ким ва Руслан Эргашевлар ғолиб чиқишди.

Мираҳмад Юсупов мутлақ чемпион унвонини ҳам қўлга киритди. Қизлар ўртасида Муҳаррам Мансурова, Зумрадхон Тазеддинова, Галина Филиппова, Юлия Енина, Светлана Ҳасаншина, Олеся Абдураҳмоновалар шоҳсупанинг энг юқори ўрнини банд этишди.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорлар Республика у-шу миллий федерациясининг диплом ва медаллари билан тақдирланди.

Ҳозирда юртимизнинг энг кучли у-шучилари Евроосиё чемпионатида қатнашиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТДА: турнир ғолиби тақдирланмоқда.**

**Алимурод Мамадаминов олган сурат.**

# Нуфузли мусобақа

**Шаҳримизда республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги ва мамлакатимизда дзюдо ривожи бошланишига 30 йил тўлишига бағишлаб дзюдо бўйича ташкил этилган «UZBEKISTAN OPEN-2002» биринчи халқаро мусобақалари бўлиб ўтди.**

Шуни айтиш керакки, шарқ яккакурашининг мазкур қизиқарли тури Ўзбекистонда кейинги пайтларда жадал ривожланмоқда. Спорт мухлислари Армен Багдасаров, Фарҳод Тўраев ва Александр Штурбабин каби машҳур дзюдо усталарини яхши билишади. Ҳозирда улар ортидан кўплаб ёш, умидли кураш усталари етишиб чиқмоқда.

«UZBEKISTAN OPEN» халқаро мусобақаларининг ўтказилиши ҳам юртимиз спортчиларининг имкониятларини яна бир бор намоён қилиш, ёш, келажаги порлоқ дзюдочиларимизни синаб кўриш имкониятини берди. Зеро, мана шундай юқори даражадаги халқаро турнирлар ёшларимизнинг катта спорт сари қадам қўйишларида таянч вазифасини ўтайди.

Турнир мусобақалари давомида «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳар куни муросасиз беллашувларни кўргани келган ишқибозлар билан гавжум бўлди. Спортчилар ҳам ўз маҳоратларини тўла намоён қилиб мухлисларини шод этишди.

Албатта, финал баҳслари ишқибоз ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Турнирда Ўзбекистон ва дзюдо ватани бўлмиш Япония спортчилари жуда яхши иштирок этишди. Шу сабабдан асосий финал беллашувлари мазкур мамлакатлар спортчилари ўртасида кечди. Шуниси эътиборлики, ҳал қилувчи баҳсларда устунлик гоҳ япон, гоҳ юртимиз спортчиларида бўлди.

73 ва 100 килограммгача вазнларда эса юртдошларимиз ўзларининг тўла устунликларини кўрсатишди. Хусусан, 73 килограммгача вазнда А. Штурбабин биринчи, Э. Акбаров эса иккинчи ўринларни эгаллаган бўлса, 100 килограммгача полвонлар ўртасида М. Соколов ва У. Саломовларга тенг келадиганлар топилмади. Қолган вазнларда эса қуйидаги спортчилар ғолиб чиқди — Хео Сунг Мин (Жанубий Корея), Томоо Тории (Япония), Масахико Томоу (Япония), Хирошин И (Япония). Энг нуфузли мутлақ вазнда эса Жанубий кореялик рақиби устидан ажойиб ғалаба қозонган ҳамшаҳримиз Абдулла Тангриев (у кураш бўйича ҳам чемпион) зафар қучди.

Халқаро мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари махсус мукофотлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган махсус мукофотлар Абдулла Тангриев ва Томоо Ториига насиб этди.

Шуниси қувонарлики, мазкур турнир мамлакатимизда дзюдонинг янада кенгроқ ривожланиши, ушбу спорт турига кўпроқ ёшларнинг ихлос қўйишига муҳим туртки бўлди. Турнирнинг юқори даражада ўтказилиши эса келгусида «UZBEKISTAN OPEN»нинг дзюдо бўйича энг нуфузли ва йирик мусобақалар қаторидан ўрин олишига умид уйғотади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: халқаро мусобақадан лавҳа.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**



# Фахрийлар беллашди

**Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўрта ва катта ёшдаги спортчилар жисмоний имкониятларини синаб кўриш, спортни кундалик ҳаётимизга татбиқ этишдек хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилган фахрийлар мусобақаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.**

**Жумладан**

Ўзбек Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт базасида кенг кўламдаги фахрийлар спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Республика Фахрийлар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мусобақа дастурига мувофиқ фахрий спортчилар бадминтон, баскетбол, волейбол, стол тенниси, теннис, мини-футбол, шахмат бўйича ўзаро беллашдилар.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, тегишли федерациялар томонидан дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Жумладан, мусобақаларнинг энг ёши табаррук спортчисига Тошкент шаҳар спорт қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

# Автомобилчилар спартакиадаси

**Меҳнат аҳлини соғломлаштириш ҳамда спортнинг оммавийлигини ошириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.**

Яқинда Қарияларни қадрлаш йили ва «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг ўн йиллигига бағишлаб «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг спорт майдонларида, «Автомобилчи» санаторий-профилакторийсида, «Трамвайчи» стадионида, «Тошқишлоқмаш» корхонасининг спорт клубида 25 та команда иштирокида шахмат, шашка, нарда, дартс, стол тенниси, мини-футбол бўйича қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Муросасиз, қизиқарли тарзда кечган беллашувларда жамоа ҳисобида 2-автокомбинат акциядорлик жамиятининг спортчилари спартакиада ғолиби бўлишиб, Қўйлиқ кўприк темирбетон конструкцияси корхонаси жамоаси фахрли иккинчи, «3-автокомбинат» корхонаси эса учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Муҳими, ғалаба қозонишгина эмас, иштирок этиш, дўстлар орттириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, маҳоратни ошириш бўлиб, тармоқ ходимларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган мусобақалар барчада яхши таассурот қолдирди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

# Хайрия жамиятининг хайрли фаолияти

**Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда туман ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Зийнат спорт» хайрия жамиятининг 1999-2002 йилларда амалга оширган ишларининг ҳисоботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Шуни айтиш керакки, шаҳримизда ягона бўлган «Зийнат-спорт» хайрия жамияти ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майда эълон қилинган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан бошлаган эди. Бу хайрия жамияти спорт тадбирларини асосан меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида, болалар боғчаларида спортнинг барча турлари бўйича ўтказиб келмоқда.

— Ушбу тадбирларни ташкил этишда «Зийнат-спорт» хайрия жамиятига туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, «Соғлом авлод», «Маҳалла» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати яқиндан ҳамкорлик ва ҳомийлик қилиб келмоқда, — дейди ўз ҳисоботида жамият раиси Зийнат Иботулин.

Шунингдек, йиғилишда ушбу спорт жамияти ташаббуси билан шаҳримизнинг барча ўқув юртларида ўтказилган кураш бўйича мусобақалар, туман маҳаллалари ўртасида ўтказилган футбол беллашувларининг финал ўйинлари ҳамда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари тўғрисида алоҳида сўз борди, унда спортнинг 11 тури бўйича яхши натижаларни қўлга киритган шаҳар мактабларига «Зийнат-спорт» жамияти томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Йиғилиш сўнгида «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ғолиб деб топилган 102-мактаб ўқувчиси Ориф Қобилов ҳамда 262-мактаб ўқувчиси Наргиза Ибрагимовалар ҳам муносиб тақдирландилар.

**Озода РАҲМАТОВА**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 14.20 1 2 3 4 5 6